# 3-МАВЗУ: Замонавий таълим-тарбия ва унинг моҳияти

# РЕЖА:

1.Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари.

- 2.Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роль.
- 3.Тарбия усуллари ва тамойиллари.
- 4.Тария жараёнида ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари.

# Фойдаланилган адабиётлар:


- 1. Каримов И. А. Буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. 1998 й.
- 2.Абу Райҳон Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида.
- 3.Мунавваров А.К. Педагогика.-Т.: Ўқитувчи.1996 й.
- Худойқулов Х.Ж. Педагогика ва Психология. –Т.: Дзайн-Пресс.2011 й.

# Таянч иборалар:

- Тарбия,  жазо, уят, тарбияланганлик, адолат.

# Тарбияни режалаштириш

1.Талабанинг қайси хислатларини шакллантириш ёки бартараф этиш.

- 2.Тарбиялаш ёки бартараф этиш учун хизмат қилувчи манбани излаб топиш.
- 3.Бу манбаларни қаерда ва қандай фойдаланишни билиш.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёс. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва уни кўникмага айлантириб бориш лозим. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шаклланиб боради. Улар тақлид қиладилар ва аста – секин рефлексга айланади. Бу рефлекслар доимий одат бўлиб, тарбияни қандай эканлигини кўрсатади. Тарбия самарадорлиги тарбиянинг қандай усуллардан фойдаланилганлигига боғлиқ.

# Тарбиянинг таърифи:

- Ҳар бир инсоннинг ҳаёти яшаш жараёнида ортирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёни

# Тарбия усуллари:

- 1.Сўз орқали тарбиялаш усули.
- 2.Кўргазмалилик усули.
- 3.Амалий ибрат-намуна усули.
- 4.Рағбат ва жазо усуллари.

# Сўз орқали тарбиялаш:

- Сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар.

# Кўргазмалилик усули:

- Кинофильмлар,тасвирий санъат, бадиий санъат ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш услублари.

# Амалий ибрат-намуна усули.

Тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатда намуна қилиб кўрсатиш.

# Рағбат ва жазо усуллари:

- Талабанинг яхши ва ёмон қилган ишларига бериладиган баҳолар , бу рағбат ва жозодир.
- Тарбияда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир.

# Тарбиячининг рағбатлантириш усуллари иккига бўлинади.

- 1.Сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндашганига қараб рағбатлантириш.
- 2.Сиз буюрган ишга қизиқиш ва уни уддалай олганлигига қараб

рағбатлантириш.

# Жазо турлари:

- Тушунтириш
- Уялтириш
- Танбех бериш
- Огоҳлантириш
- Жамоадан четлаштириш

# Рағбатлантириш турлари:

- Ўртоқлари ва ота-оналар мажлисида мақташ, маъқуллаш, минатдорчилик билдириш, моддий ва иқтисодий ёрдам бериш, мукофатлар бериш, стипендияларини ошириш, мақтов ёрлиқларини топшириш, суратларини ҳурмат тахтачасига қўйиш ва ёритиш, телеканалларда махсус кўрсатув ташкил этиш, оғзаки “Рахмат”, “Баракалла”сўзлари билан рағбатлантириш.

# Адолат ўзи нима:

- Адолат-бу ҳаётий масалаларни ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этган ҳолда ҳал этиш.
- Адолат тушунчаси билан боғлиқ жиҳатлар жуда кенг қамравли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жиҳатлар жумласига киради.
- Адолатпарварлик тушунчаси эса адолат тамойилига амал қилган ҳолда иш олиб бориш, йўл тутиш, фаолият юритиш демакдир.

- ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ